

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ**

**ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ,
САФАРБАРЛИК ВА
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
ГУРУХИ**

Индекс: 230103; Манзил: Нукус шаҳри, Ғарезсизлик, 50-уй. Тел: 222-59-84
факс: 222-98-14, Web site: www.sovminrk.gov.uz; Eхat: huquq.vk@exat.uz

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
ЕСПУБЛИКАСИ**

**МИНИСТРЛАР КЕНЕСИНИНГ
ҲУҚУҚ ҚОРҒАЎ
УЙИМЛАРИ ХИЗМАТИ,
МОБИЛИЗАЦИЯ ҲАМ
АЙРЫҚША ЖАҒДАЙЛАР
МАСЕЛЕЛЕРИ БОЙИНША
ТОПАРЫ**

№ 17

«11» февраль 2019 й.ж.

Министрликлар, маҳкамелар
басшыларына
Нөкис қаласы ҳам районлар
ҳақимлерине

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йыл 7-ноябрьдеги ПҚ-4006-санлы «Жынаят-орынлаў нызамшылығын түбден жетилистириў ис-илажлары ҳаққында»ғы Қарары ҳамде усы мәселе бойынша Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесининг 2019-йыл 1-февральдағы 47-санлы Қарарларын орынлаў ушын жиберлмекте.

Соның ушын Сизден, қарар жойбарын таярлап бир нусхасын Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесине 2019-йылдың 15-февраль күнине шекем бериўиңизди сораймыз.

Қосымшасы: «2» бетте.

Топар басшысы ў.ў.а.



А.Нуржанов



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори ижросини таъминлаш хақида

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а). Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизматининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари пробация бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси 3-иловага мувофиқ маъқуллашганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (У.Сабуров), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари зиммасига озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганларнинг ижтимоий мослашуви ва уларни ишга жойлаштиришда, Пробация бўлимларини жойлаштириш, уларни замонавий техника ва қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, бажараётган вазифаларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (А.Ғажетдинов), Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқарувчиси (А.Немаилов), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашни ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси раиси (З.Камалов) ва Ички ишлар вазири (А.Темирханов)га:

ички ишлар вазирлиги Пробация бўлимига белгиланган тартибда фойдаланишга бино ажратиб бериш чоралари кўриلسин;

ички ишлар вазирлигининг Пробация бўлимини керакли жиҳозлар (компьютер, принтер, сканер, ксерокс, мебель жиҳозлари, телефон ва факс мосламалари) билан ўрнатилган тартибда таъминлаш тошширилсин.

5. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

Пробация бўлинмаларини белгиланган тартибда бино билан таъминлаш чораларини кўрини:

2019 йил 20 февраль кунига қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан ички ишлар органлари Пробация бўлинмалари учун керакли жиҳозлар (компьютер, принтер, сканер, ксерокс, мебель жиҳозлари, телефон ва факс мосламалари) билан ўрнатилган тартибда таъминлаш;

2019 йилнинг 1 март кунига қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан ички ишлар органлари Пробация бўлинмаларига фойдаланишга ажратиб берилган биноларни белгиланган тартибда жорий таъмирлаш;

2019 йилнинг 15 февраль кунига қадар ички ишлар органлари Пробация бўлинмаларига белгиланган тартибда фойдаланишга ажратиб берилган биноларнинг Давлат рўйхатидан ўтказилиши ва ҳокимликлар балансига олиниши ҳамда расмийлаштирув харажатларини маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов) билан биргаликда **2019 йилнинг 15 февраль кунига** қадар пробация бўлинмаларини жойлаштириш, уларни замонавий техника ва қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, бажараётган вазифаларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чоралар кўриш тошширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов)га:


ички ишлар органлари Пробация бўлинмаларини хизмат автотранспортлари билан ўрнатилган тартибда таъминлаш;

ички ишлар органлари жазони ижро этиш инспекциялари фойдаланишида бўлган асосий воситалар (транспорт, компьютер, принтер, сканер, ксерокс, мебель жиҳозлари, телефон ва факс мосламалари) инвентаризациядан ўтказилиб, ички ишлар органлари Пробация бўлинмаларига бепул берилишини амалга ошириш;

2019 йилнинг 1 март кунига қадар ички ишлар органлари Пробация бўлинмалари учун ажратилган биноларга тўлиқ ўтишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Ғажетдинов ва Ички ишлар вазири А.Темирханов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**



Қ.Сариев